FARG‘ONA VILOYATI BUVAYDA TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 24 - iyun 156-11-154-Q/22 Buvayda tuman hokimligi

Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини бандлиги тўғрисида” ги Қонуннинг 39 - моддасига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 41-сон 543-модда) ва “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўпламлари, 2013 йил, 18-сон, 233-модда) Қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли Қарорига асосан туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни 2022 йилда ишга жойлаштириш учун иш жойларини энг кам миқдорини ажратиш, қўшимча иш жойлари яратиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бувайда туманида квота иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш бўйича махсус комиссиянинг таркиби 1-иловага ҳамда Бувайда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан тумандаги корхоналарда 2022 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд килинган (квота) иш жойларини тақсимоти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар тоифалари бўйича қуйидаги умумий тартибларга асосланиши шарт:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун-болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касби бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касблари бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсатгичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун – уларни касб бўйича тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

одам савдосидан жабрланганлар шахслар учун - уларнинг касби бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари.

3. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабр кунидаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли Қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлар ташкил этилишини таъминласинлар;

корхона ва ташкилотлар, йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 фоиз ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминласин ҳамда бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига йил бошлангунга қадар ахборот берсин;

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётан шахслар учун иш ўринларини қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилотлар (иш берувчилар) томонидан календар йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу тўғрида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига биринчи чорак тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот берсин.

4. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солиниши таъминлаб борилсин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича тегишли Қарорини бажармаганлик учун жарима тўлаганлиги ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. Ташкилотлар ҳар ойда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига юқорида кўрсатилган тоифадаги шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этадилар.

6.Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги
19-2019-Б сонли буйруғига (АВ рўйхат рақами №3163, 31 март 2019 йил) мувофиқ, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам иш ўрнидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - режадан ортиқ қабул қилинган ҳар бир ҳодим учун 12 ой давомида ҳар ойда ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида субсидия тўлаб берилиши инобатга олинсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори (Э.Турсунов) беш кун муддатда ушбу Қарорни иловада кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу Қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Белгилансинки, ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9.Туман хокимининг “Туманда ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 25.09.2021 йилдаги 116-11-154-Q/21-сонли қарори 2021 йил 31 декабр кунидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Мирзахалилов зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **Odiljonovich I. B.**

Buvayda tuman hokimining
2022 yil 24 iyundagi
156-11-154-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Туман Хокимининг

2022 йил __-

_____даги

_____- сонли қарорига **- илова**

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	Манзили	Штат жадвали бўйича ходимларининг умумий сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	шу жумладан:						
					14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар шунингдек олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсия олди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси қурбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони
1	Тиббиёт бирлашмаси	Янгикургон	234	23	4	9	0	7	1	1	1
2	ТЙХПТКФК	Кунгирот	22	2	0	1	0	0	0	1	0
3	Ал-Фаргоний лицей интернат	Кунгирот	24	2	0	1	0	1	0	0	0
4	БУСМ	Янгикургон	23	2	0	1	0	0	0	1	0
5	2-ИДУМ	коратепа	25	3	0	1	1	1	0	0	0
6	Халк таълими булими	Янгикургон	24	2	0	2	0	0	0	0	0
7	Мактабгача таълими булими	Янгикургон	23	2	0	2	0	0	0	0	0
8	СЭОМ	Жалоер	25	3	0	1	1	1	0	0	0
9	Ободонлаштириш булими	Жалоер	25	3	1	1	0	0	1	0	0
10	Маданият булими	Янгикургон	24	2	0	1	0	1	0	0	0
11	ФИДУМ	Янгикургон	24	2	0	2	0	0	0	0	0
12	17- БМСМ	Янгикургон	21	2	0	2	0	0	0	0	0
13	Баркамол авлод болалар маркази	Янгикургон	23	2	0	1	0	1	0	0	0
14	1-сон хунар мактаби	бувайда	24	2	0	1	0	1	0	0	0
15	2-сон хунар мактаби	оккургон	23	2	0	1	0	1	0	0	0
16	1- мактаб	Бувайда тумани Янгиқўрғон ҚФЙ, Янгиқўрғон қишлоғи	25	3	1	1	0	1	0	0	0
17	2- мактаб	Бувайда тумани Янгиқўрғон ҚФЙ, Янгиқўрғон қишлоғи	24	2	0	2	0	0	0	0	0
18	3- мактаб	Бувайда тумани Ингирчоқ МФЙ, Беглар қишлоғи	23	2	0	2	0	0	0	0	0
19	4- мактаб	Бувайда тумани Маслахат МФЙ, Чирқай қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
20	5- мактаб	Бувайда тумани Жалоер ҚФЙ, Жийдали қишлоғи	25	3	1	2	0	0	0	0	0
21	6-мактаб	Бувайда тумани Қўрғонча МФЙ, Мажнунтол қишлоғи	23	2	0	1	0	0	0	1	0
22	7-мактаб	Бувайда тумани Охтом МФЙ, Охтом қишлоғи	22	2	0	1	0	1	0	0	0
23	8 -мактаб	Бувайда тумани Поисод МФЙ, Поисод қишлоғи	24	2	0	0	0	1	1	0	0

24	9-мактаб	Бувайда тумани Хонобод МФЙ, Хонобод қишлоғи	25	3	0	1	1	1	0	0	0
25	10-мактаб	Бувайда тумани Бегобод МФЙ, Бачқир қишлоғи	23	2	0	0	0	1	0	1	0
26	11-мактаб	Бувайда тумани Хонобод МФЙ, Хасанқўрғонча қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
27	12-мактаб	Бувайда тумани Бегобод МФЙ, Бегабод қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
28	13-мактаб	Бувайда тумани Деҳқонобод МФЙ, Деҳконобод қишлоғи	22	2	0	1	0	1	0	0	0
29	14-мактаб	Бувайда тумани Ойим МФЙ, Ойим қишлоғи	24	2	0	1	0	0	0	1	0
30	15-мактаб	Бувайда тумани Қўпғирот ҚФЙ, Шўрқишлоғи	24	2	1	0	0	1	0	0	0
31	16-мактаб	Бувайда тумани Шўр МФЙ, Шўр тепа қишлоғи	25	3	0	1	1	1	0	0	0
32	17-мактаб	Бувайда тумани Чўмбоғиш МФЙ, Чўмбоғиш қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
33	18-мактаб	Бувайда тумани Чўмбоғиш МФЙ, Чўмбоғиш қишлоғи	23	2	1	0	0	1	0	0	0
34	19-мактаб	Бувайда тумани Ўртақўнғирот МФЙ, Ўртақўнғирот қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
35	20-мактаб	Бувайда тумани Янгиқишлоқ МФЙ, Охтом қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
36	21-мактаб	Бувайда тумани Оққўрғон МФЙ, Оққўрғон қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
37	22-мактаб	Бувайда тумани Оққўрғон МФЙ, Юқори мангит қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
38	23-мактаб	Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ, Тоғлиқ ҚФЙ	24	2	0	1	0	1	0	0	0
39	24-мактаб	Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ, Бувайда қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
40	25-мактаб	Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ, Гул қишлоғи	22	2	0	0	1	1	0	0	0
41	26-мактаб	Бувайда тумани Бештерак МФЙ, Бештерак ҚФЙ	24	2	0	1	0	1	0	0	0
42	27-мактаб	Бувайда тумани Бештерак МФЙ, Урганчи ҚФЙ	23	2	0	1	0	1	0	0	0
43	28-мактаб	Бувайда тумани Бувайда МФЙ, Қум қишлоғи	25	3	1	1	0	1	0	0	0
44	29-мактаб	Бувайда тумани Турк МФЙ, Гулобод қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
45	30-мактаб	Бувайда тумани Янгиҳаёт МФЙ, Янгихаёт қишлоғи	25	3	1	1	0	1	0	0	0
46	31-мактаб	Бувайда тумани Бегобод ҚФЙ, Бачқир қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
47	32-мактаб	Бувайда тумани Пошшоприм МФЙ, Файзабод қишлоғи	25	3	0	2	0	1	0	0	0

48	33-мактаб	Бувайда тумани Оққўрғон МФЙ, Чўтака қишлоғи	27	3	1	1	0	1	0	0	0
49	34-мактаб	Бувайда тумани Янгиқадам МФЙ, Янгиқадам қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
50	35-мактаб	Бувайда тумани Бегабод ҚФЙ, Қорақум қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
51	36-мактаб	Бувайда тумани Бувайда МФЙ, Алқор ҚФЙ	24	2	0	1	0	1	0	0	0
52	37-мактаб	Бувайда тумани Узумзор МФЙ, Узумзор қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
53	38-мактаб	Бувайда тумани Оқдўғ'он МФЙ, Жов қишлоғи	25	3	1	1	0	1	0	0	0
54	39-мактаб	Бувайда тумани Бувайда МФЙ, Узун қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
55	40-мактаб	Бувайда тумани Бегобод МФЙ, Бегобод қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
56	41-мактаб	Бувайда тумани Хонобод МФЙ, Октепа қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
57	42-мактаб	Бувайда тумани Деҳқонобод МФЙ, Деҳқонобод қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
58	43-мактаб	Бувайда тумани Янгихаёт МФЙ, Алқор ҚФЙ	24	2	0	1	0	1	0	0	0
59	44-мактаб	Бувайда тумани Найман МФЙ, Найман қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
60	45-мактаб	Бувайда тумани Тоғлиқ МФЙ, Ўрта қишлоғи	25	3	1	1	0	0	0	1	0
61	46-мактаб	Бувайда тумани Хакимтўра МФЙ, Хакимтўра қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
62	47-мактаб	Бувайда тумани Туман МФЙ, Қўнғирот қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
63	48-мактаб	Бувайда тумани Алқор ҚФЙ, Бостонбува қишлоғи	25	3	1	2	0	0	0	0	0
64	49-мактаб	Бувайда тумани Бувайда ҚФЙ, Янгиқишлоқ МФЙ	24	2	0	1	0	1	0	0	0
65	50-мактаб	Бувайда тумани Шўр МФЙ, Шўркишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
66	51-мактаб	Бувайда тумани Бумазор МФЙ, Бумазор қишлоғи	26	3	0	2	1	0	0	0	0
67	52-мактаб	Бувайда тумани Алқор ҚФЙ, Алқор қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
68	1- МТМ	Шўртепа қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
69	2- МТМ	Янгиқўрғон қишлоғи	24	2	0	1	0	0	0	0	0
70	3- МТМ	Жийдали қишлоғи	23	2	0	1	0	1	0	0	0
71	4- МТМ	Бувайда қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
72	5- МТМ	Қўнғирот	23	2	0	2	0	0	0	0	0
73	6- МТМ	Янгиқўрғон қишлоғи	25	3	1	1	0	1	0	0	0
74	7- МТМ	Бештерак қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
75	8- МТМ	Бачқир	23	2	1	1	0	0	0	0	0

76	9- MTM	Янгиқўрғон қишлоғи	25	3	1	1	0	1	0	0	0
77	10- MTM	Деҳконобод	24	2	0	1	0	1	0	0	0
78	11- MTM	Қорақум	23	2	1	1	0	0	0	0	0
79	12- MTM	Беглар	25	3	1	1	0	1	0	0	0
80	13- MTM	Хонобод	23	2	1	1	0	0	0	0	0
81	15- MTM	Жов қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
82	16- MTM	Найман	22	2	0	1	0	1	0	0	0
83	17- MTM	Алқар қишлоғи	23	2	0	2	0	0	0	0	0
84	18- MTM	Янгиқишлоқ	22	2	0	1	0	1	0	0	0
85	19- MTM	Ингирчоқ	23	2	0	2	0	0	0	0	0
86	21 MTM	Бувайда	22	2	0	1	0	1	0	0	0
87	22- MTM	Оққўрғон	24	2	0	2	0	0	0	0	0
88	23- MTM	Олтинқўрғон	23	2	0	1	0	1	0	0	0
89	24-MTM	Қирғизқўрғонча	24	2	0	2	0	0	0	0	0
90	25- MTM	Чирқай	23	2	0	1	0	1	0	0	0
91	26- MTM	Қўнғирот	22	2	1	1	0	0	0	0	0
92	29- MTM	2-Кўрғонча	23	2	0	2	0	0	0	0	0
93	30- MTM	Ойимқишлоқ	25	3	1	1	0	1	0	0	0
94	31- MTM	Қўнғирот	24	2	0	2	0	0	0	0	0
95	32- MTM	Янгиқадам	22	2	0	1	0	1	0	0	0
96	33- MTM	Бувайда қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
97	34- MTM	Турк	22	2	0	1	0	1	0	0	0
98	35- MTM	Турк	24	2	0	2	0	0	0	0	0
99	36- MTM	Оққўрғон	23	2	0	2	0	0	0	0	0
100	37-MTM	Жийдали қишлоғи	24	2	0	1	0	1	0	0	0
101	38-MTM	Янгикурғон	23	2	0	2	0	0	0	0	0
102	40-MTT	Хасанқурғонча	22	2	0	1	0	1	0	0	0
103	41-MTT	қоракум	22	2	0	1	0	1	0	0	0
	Жами		2642	264	23	145	6	79	3	7	1

Buvayda tuman hokimining
2022 yil 24 iyundagi
156-11-154-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Buvayda tuman hokimining “Tumanda ijtimoiy muhofazaga muhtoj va ish topishda qiynalayotgan shaxslarni ishga joylashtirish uchun ish o`rinlarini band qilib qo`yish to`g`risida”gi normativ xususiyatga ega bo`lgan qarori loyihasi yuzasidan

M A L U M O T N O M A

03.06.2022 yil Yangiqo`rg`on qishlog`i

Buvayda tuman hokimining **“Tumanda ijtimoiy muhofazaga muhtoj va ish topishda qiynalayotgan shaxslarni ishga joylashtirish uchun ish o`rinlarini band qilib qo`yish to`g`risida**”gi normativ xususiyatga ega bo`lgan qarori loyihasi o`rganib chiqildi.

Loyiha O`zbekiston Respublikasi “Aholini bandligi to`g`risida” gi Qonunning 39 – moddasiga va “O`zbekiston Respublikasida nogironlarni ijtimoiy himoya qilish to`g`risida”gi Qonunlariga hamda O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 5 dekabr kunidagi «Ijtimoiy muhofazaga muhtoj, ish topishda qiynalayotgan va mehnat bozorida teng shartlarda raqobatlasha olmaydigan shaxslarni ishga joylashtirish uchun ish o`rinlarining eng kam sonini belgilash va zaxiraga qo`yish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida»gi 965-sonli Qaroriga asosan tumanda ijtimoiy himoyaga muhtoj, ish topishda qiynalayotgan va mehnat bozorida teng sharoitlarda raqobatlashishga qodir bo`lmagan shaxslarni 2022 yilda ishga joylashtirish uchun ish joylarini eng kam miqdorini ajratish, qo`shimcha ish joylari yaratish hamda ularni muhofaza qilish maqsadida “Mahalliy davlat hokimiyati to`g`risida”gi O`zbekiston Respublikasi Qonunining 6 va 25-moddalariga asosan ishlab chiqilgan.

Buvayda tuman hokimining **“Tumanda ijtimoiy muhofazaga muhtoj va ish topishda qiynalayotgan shaxslarni ishga joylashtirish uchun ish o`rinlarini band qilib qo`yish to`g`risida** ”gi normativ xususiyatga ega bo`lgan qarori loyihasi Adliya Vazirligi tomonidan 01.02.2013 yilda 2420-raqam bilan ro`yxatdan o`tkazilgan “Mahalliy davlat hokimiyati organlari tomonidan qabul qilinadigan normativ huquqiy hujjatlar loyihalarini tayyorlash,yuridik-texnik rasmiylashtirish va huquqiy ekspertizadan o`tkazish tartibi to`g`risida”gi Yo`riqnoma va qonunchilik texnikasi qoidalari talablariga muvofiq holda ishlab chiqilgan deb hisoblayman.

O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 13 apreldagi “O`zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy sora-tadbirlar to`g`risida”gi qarorining 4-bandiga asosan normativ huquqiy hujjatlar loyihasi tuman hokimligi tomonidan 18.05.2022 yilda O`zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portaliga jamoatchilik muhokamasi o`tkazilishi uchun joylashtirilgan. Qaror loyihasida jamoatchilik muhokamasi natijalari e’tiborga olingan.

Buvayda tuman hokimining mazkur qarori qabul qilinishidan oldin O`zbekiston Respublikasining 24.12.2012 yildagi “Normativ huquqiy hujjatlar to`g`risida”gi Qonunining 22-moddasiga ko`ra tuman hokimining normativ tusga ega bo`lgan ushbu qarori loyihasini qonunchilik talablariga muvofiq ekanligi yuzasidan huquqiy ekspertizadan o`tkazishlik uchun Buvayda tumani Adliya bo`limiga taqdim etish lozim bo`ladi.

Loyiha O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.

Buvayda tumani hokimligi

yuriskonsulьti: B.Raxmonov

FARG`ONA VILOYaTI BUVAYDA TUMANI HOKIMLIGI

151900, Buvayda tumani, Yangiqo`rg`on MFY Do`stlik ko`chasi, 2-uy Tel: (73) 529-11-43, (73) 529-12-71
buvaydatumanhokimligi1@mail.ru

2022-yil ____ - _____ _____ Buvayda tumani

Buvayda tuman adliya bo`limi boshlig`i ga

Buvayda tuman xokimining “Tumanda ijtimoiy muhofazaga muhtoj va ish topishda qiynalayotgan shaxslarni ishga joylashtirish uchun ish o`rinlarini band qilib qo`yish to`g`risida“gi qarori loyihasini O`zbekiston Respublikasining “Normativ huquqiy xujjatlar to`g`risida”gi Qonunini 22-moddasiga asosan huquqiy ekspertizadan o`tkazib berishingizni so`rayman.

Tuman hokimi: **B.Ibragimov**